2003 YIL 7 NOYABR JUMA

# QISHLOQ HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№137 (6.662). Sotuvda erkin narxda

## БУГУНГИ СОНДА

СЕРИКБОЙНИНГ БАХТИ (1-2-саҳифаларда)



АРОҚНИНГ КАСРИ (2-саҳифада)

АСР "ВАБО"СИ (2-саҳифада)

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

***Ўзбекистонда рўй бераётган ўзгаришлар жаҳон молия ташкилотларининг мамлакатимизга эътиборини янада оширмоқда. Шу йил май ойида Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг йиллик мажлиси Тошкентда ўтказилди, сентябр ойида Ислом тараққиёт банки президенти Аҳмад Муҳаммад Али мамлакатимизга ташриф буюрди ва пойтахтимизда ушбу халқаро ташкилотнинг Инвестицион конференцияси бўлиб ўтди.***

Энди Тошкент яна бир нуфузли анжуманга ҳозирлик кўрмоқда. Келаси ҳафта пойтахтимизда Осиё тараққиёт банки (ОТБ) шафеълигида Марказий Осиёда минтақавий иқтисодий ҳамкорлик масалаларига бағишланган вазирлар конференцияси бўлиб ўтади. Айни кунларда мамлакатимизда ОТБ президенти Тадао Чино меҳмон бўлиб турибди. 6 ноябр куни у Ўзбекистон Республикаси Президенти қабулида бўлди.

- Биз сизни нафақат Осиё тараққиёт банкидек нуфузли халқаро молиявий муассаса раҳбари, балки банк иши соҳасидаги етук мутахассис ҳамда Ўзбекистон-Япония муносабатлари ривожига улкан ҳисса қўшган йирик жамоат ва сиёсат арбоби сифатида ҳам ҳурмат қиламиз, - деди Ислом Каримов учрашувда.

Дарҳақиқат, Т.Чино Япония ҳукумати таркибида юқори лавозимларда фаолият кўрсатган кезлари Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратган. Ҳозир эса ОТБ президенти сифатида мамлакатимиз билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва юртимиздагиислоҳотларни мунтазам қўллаб-қувватлашга бел боғлаган. ОТБ бошқа халқаро молия ташкилотларининг Марказий Осиёда минтақавий иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш ташаббусини илгари сурган. Бу ҳамкорлик энергетика, савдо ва транспорт инфратузилмаси соҳаларини ўз ичига олади.

Ўзбекистон 1995 йил августда ОТБга аъзо бўлганидан кейин ўтган вақт давомида банк мамлакатимиздаги 12 лойиҳа учун жами 645,5 миллион АҚШ доллари ажратди. Шунинг баробарида Ўзбекистонга умумий қиймати 27,2 миллион долларга тенг 44 грант берилди.

Ўзбекистон-ОТБ ҳамкорлиги ҳар уч йилда янгиланиб турадиган ҳамкорлик стратегиясига асосланади. Устувор йўналишлар сифатида қишлоқ хўжалиги, таълим, шаҳар ва транспорт инфратузилмаси, кичик ва ўрта бизнес соҳалари белгилаб олинган.

Ўзбекистон ҳукумати ва ОТБ ҳамкорлигида 2004-2006 йилларга мўлжалланган Ҳамкорлик дастури ишлаб чиқилган. 14 октябр куни ОТБ Директорлар кенгаши уни тасдиқлаган. Мазкур дастур қиймати 500 миллион АҚШ долларига тенг 13 лойиҳани амалга оширишни кўзда тутади.

Ҳозирги кунда ОТБга 62 мамлакат аъзо. Осиё ва Тинч океани минтақасидаги 44 давлат қаторида унга Европанинг бир неча ривожланган мамлакатлари ва АҚШ қўшилган. Демак, Ўзбекистон учун ОТБ орқали кенг кўламда кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш имконияти ҳам мавжуд.

Тадао Чино самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди ва ОТБ билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик изчил давом этажагини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

**(ЎзА)**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг*

## ҚАРОРИ

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессиясини чақириш тўғрисида

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши қарор қилади:**

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси 2003 йил 11 декабрь куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**
**Э.ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 6 ноябрь.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилиши назарда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида.

**(Давоми 2-бетда)**

# АДОЛАТ ДЕҲҚОНГА ҚАЙИШДИ

***Ҳозирги вақтда, яъни бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришда бирор бир самарага эришиш осон кечмайди. Айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасида.***

-Бу йил вилоятимизда бўлгани каби туманимизда ҳам фермерлар билан турли таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида тузилган шартномаларга анча яхши риоя қилинганлиги, ишлаб чиқаришда эришилган муваффақиятимизнинг бош омили бўлди, - дейди Шароф Рашидов туманидаги "Тинч" фермер хўжалиги раҳбари Норбек Ўринов.



Маълумки, Шароф Рашидов туманидаги қишлоқ хўжалиги экин майдонлари ўрта ва кучли шўрланганлиги сабабли бу ерларда зироатчилик қилиш, кутилган ҳосилни олиш анча мушкул. Лекин, инсон астойдил интилса, тадбиркорлик билан иш тутиб, ер билан тиллаша олса, исталган орзусига эришиши шубҳасиз.

"Тинч" фермер хўжалиги пахтакорлари жорий йилда давлатга пахта сотиш режасини Сирдарё вилоятида биринчилардан бўлиб бажаришди. Улар 216 гектар ер майдонидан 500 тонна пахта хом ашёси йиғиштириб олдилар. Терилган пахтанинг 95 фоизи биринчи навларга топширилди.

-Бу йил пахта қабул қилиш корхоналарида кўп йиллардан бери давом этиб келаётган ғирромликларга ҳам чек қўйилди, - дейди фермер суюниб.

Ўтган йилларда режадаги топширадиган пахтамизнинг 10-15 фоизигина 1 навга қабул қилиниб, қолгани турли баҳоналар рўкач қилиниб, сунъий равишда сифати пасайтирилиб, паст навларга қабул қилинарди. Натижада даромаднинг баракаси учарди. Бу йил эса бундай бўлмади.

**(Давоми 3-бетда)**

# ФЕРМЕР НИЯТИГА ЕТДИ

***Шароф Рашидов туманидаги Абдулла Қодирий номли фермер хўжалигида кейинги 10 йил ичида пахта ҳосилдорлиги 9 центнердан 24 га, ғалланики 13 дан 55 центнерга кўтарилди.***

-Баҳонани жиним суймайди, - дейди ер соҳиби Асадулла Бердиқулов. – 1994 йил фермер бўлиб, 360 гектар ерни ижарага олганимда ишчиларга энди

**ЗАМОНДОШ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ**

эринчоқлик кетмайди, кам ухлаган, тонгда эрта туриб, далага чиққан кишигина ютади, дегандим. Очиғи, бу гап ҳаётимнинг мазмунига айланган. Тунда қачон уйга қайтган бўлмайин, тонг отмай уйқум қочади. Нонуштани қиламану, машинага ўтираман. Дарвоқе, мени шу қисқа даврда қўли узун, бойвачча одамга айлантирган ҳам шу дала-да.



Фермернинг ғаллазорию, пахтазорида кўп бўлганман. Унинг бир қарашда кўтаринки, яна бир қарашда содда сўзлари ҳайратингизни оширади. Чунки хўжаликнинг 441 гектар ери, 3 та "Олтой", 5 та "МТЗ-80" русумли, 2 та транспорт трактори бор. Кўриб турганингиздек, катта бир хўжалик. Ширкат ё "колхўзу", "совхоз" эмас, янги давр нафаси – фермерлик. Йилдан йилга юксалиш, ютуқ. Барча ишлар шартномага кўчган. Бу ерда собиқ ширкат ё "колхоз"дагидек 30-40 амалдор йўқ, бир нафар етакчи – фермернинг ўзи барча ишга улгуряпти. Ўғитми, ёнилғию, трактор учун эҳтиёт қисм кераками барчасини елиб-югуриб топяпти у. Тағин бирор ҳавасманд тажрибангизни ўрганай, не сир-синоати бор. Ахирерингиз чўлнинг киндигида-ку, дея келса, ундан вақтини аямайди ҳам. Чунки фермер деҳқон тили билан айтганда, пайкални яшнатиб, гуллатиб қўйган. Ўрганса, ибрат олса бўладиган ишлари талайгина.

-Вақт. Энг қудратли куч, унинг қадрига етган, барча юмушни ўз муддатида бажарган киши ютади, - дейди фермер Асадулла Бердиқулов. – Айтайлик, шудгор. Уни биз доимо ноябрнинг охирига етказмай тугаллаймиз.

**(Давоми 3-бетда)**

# ЭГАМЕНЛИК

***Дабдурустдан қараганда бу сўз ва шу маънони ифода этиш билан боғлиқ тушунча кўпчиликка янгиликдай туйилар. Аммо эгаменлик биз учун янгилик эмас.***

Аниқроқ айтадиган бўлсак, эгаменлик бизнинг қонимизга, шууримизга чуқур сингиб кетган. Унинг жўн шакллари ижтимоий-маиший ҳаётимизда қай тарзда учрамасин, барибир бу тушунча ҳақидаги фикрлар бир нуқтада туташади. Шу нуқтаи назардан биз бу сўз изоҳи учун "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"га ва бошқа манбаларга дахл қилиб ўтирмадик.

Аввало, эгаменлик – кўнгилдан бошланади. Кўнгли тоза, юрагида ўти бор инсон ҳамиша туғилиб ўсган она-Ватани, эл-юрти манфаати учун жонфидолик қилади. Ва табиийки, қилган эзгу ишлари пировардидан кўнгли осмон қадар юксалади. Фикру хаёлингга, ҳофизангга шу туйғу ҳақида мулоҳаза қилмоқ истаги туғилар экан, юртимизнинг ҳар бир гўшасида бунёдкорлик, яратувчанлик ишқи билан яшаётган танти, ҳалол, пешона тери эвазига ризқ-рўз топадиган юртдошларинг борлигини кўриб фахрланасан. Демакки, эгаменлик инсон қадар узоқ ўтмишга эга.

Аслида Амир Темурдай зот ҳақида муаррихларнинг: "Соҳибқирон ҳукмронлик қилган йиллари агар давлатнинг у четидан бу четига қадар бирор мардум бошига олтин солинган сават кўтариб ўтса, унга ҳеч ким тегина олмасди", деган мазмундаги фахр туйғуси жилоланган гапларида ҳам юртига, она тупроққа, қолаверса, қаламравидаги фуқароларнинг истиқболи учун эгаменлик руҳи етакчилик қилади. Негаки, мамлакатдаги осойишталик, фуқаролар ўртасидаги самимий муомала-муносабат, тенглик ва барқарорлик азал-азалдан ҳукмрон табақанинг замон мувозанатини қай тарика ушлай олганлиги билан белгиланган.

Ёҳуд Навоий ҳазратларининг Ҳиротда улкан маърифий мактаб барпо этгани, кўплаб шоирлар ва муаррихлар, хаттотлар, меъморлару фузалоларнинг бу гулшан саҳнида нашъу-намо қилишида ҳам Ҳазрат Навоийга хос – эгаменлик сабаб бўлганлигини айтиш мумкин. Зотан, илму урфони, санъати ва маданияти юксак шакл топган давлат ўз мавқеи, ўрни, кучқудратига эга бўлади.

Бугун биз Амир Темур, Навоий давридан анча узоқлашиб кетдик. Компьютерларнинг, замонавий асбоб-ускуналарнинг оламшумул қудратидан ҳайратдамиз. Ҳаётимизда кунора бир янгилик, кишини лол қолдиргувчи мўъжизалар бир-биридан кўп. Аммо...

Яқинда бир биродаримиз нуфузли анжуманларнинг бирида қатнашганлигини гапириб берди.

-Бир вақт залга хорижлик меҳмонлар кириб келди, - дейди у.

-Хўш, кейин-чи? – саволга тутамиз уни.

-Ярим соат кутишга тўғри келди.

-Нимага?

-Йиғилишнинг расман очиқ деб эълон қилинишига-да!

-Нега?

-Уларнинг давлат байроғи сал қийшиқроқ ўрнатилган экан. Шунга ранжишибди. Қачонки, байроқ тўғирланиб қўйилгандан кейин хорижлик дўстларимизнинг юзига кулгу инди. Анжуман серфайз, икки томон учун баб-баравар манфаатли тарзда ўтди.

**НИГОҲ**

Бетоқат дўстимиз "шунгаям..." деб гап бошлаб, ғўдранди, яна аллам-балоларни гапириб, биз суҳбатдошлар даврасини тарк этди.

Суҳбати аржумандимизни тарк этган дўстимиз орқасидан қараб қолар эканман, вужудимни, бутун фикру зикримни хорижлик меҳмонларнинг ҳайратомуз хатти-ҳаракати тафсилотлари эгаллади. Байроқнинг тўғри ўрнатилишида қандай ҳикмат бор? Бу ҳикмат замирида она-Ватанга нисбатан чексиз меҳр, туғилган тупроқ, ота-боболарнинг хоки пойи мадфун юртга садоқат ҳисси уфуриб турмайдими? Масаланинг яна бир эътиборли жиҳати бор: у ҳам бўлса, эгаменлик тушунчаси. Нафсиламбирини айтганда, бу биз юқорида санаб ўтган қадриятларга содиқ кишининг қўлидангина келади. Бу эгаменлик замирида том маънодаги фидойилик жо-бажо бўлган бўлади.

Халқимизнинг миллий истиқлоли, ҳурлик замонини қўлга киритганидан фахр туйғуси туяр эканмиз, дафъатан мозий сарҳадларига ҳам бир қур назар ташлагимиз келади. Зотан, ўтмиш аждодларимиз тарих зарварақларига битилган ибратли воқеа-ҳодисалардан ўзларига улгу олганлиги рост. Биз эса уларнинг ворисларимиз.

Айтишларича, Туркистон хонларининг энг сўнгги вакилларидан бири – тахтда сармаст, лоқайднамо ўтираркан унинг олдига ўрдабеги ташриф буюради.

-Хон ҳазратлари, - дейди у ҳаллослаб. -Бир қошиқ қонимдан кечинг...

-Кечдим сўйла, не истагинг бор!

Ҳукмдорнинг ногоҳ оромини бузиб қўйган мулозим бир зум каловланиб қолади. Сўнгра:

-Хон ҳазратлари... Ёғий Оқмачитни босиб олди... – дейди тутилиб.

Хон эринмай хомуза тортади. Кейин эса:

-Ўша Оқмачит бизнинг қаламравимиздан қанча узоқликда, - деб сўрайди.

-Тахминан, икки ойлик йўл, - дейилади унга.

-Унда олаверсин, - дейди хон хотиржам оҳангда, - биздан анча узоқликда экан...

Модомики, биз: "эгаменлик" сўзини сарлавҳага чиқарган эканмиз, унинг бошқа-бошқа жиҳатлари, қирралари хусусида ҳам тўхталишни жоиз билдик: ҳозирда "мулкка эгалик", "йирик маблағ эгаси" сингари истилоҳларни тез-тез эшитиб турамиз. Зотан, бу ҳолат бозор иқтисоди шароитида табиий ҳисобланади. ОАВда эса кунора бир маротаба бозор иқтисодиётига тегишли: эгалик шаклу шамойилларига атрофлича тўхталинмоқда.

Аммо, биз қаламга олган – эгаменлик туйғуси, тушунчаси моддий мулкчиликка эгалик туйғусидан кенгроқ эканлигини, ҳурматли газетхон яхши англаб турибди, албатта.

Бир сўз билан айтганда, эгаменлик ижтимоий-маиший ҳаётимизнинг барча жиҳатларига дахлдор. Аниқроқ айтадиган бўлсак, унинг замирида моддият ва маънавийлик бус-бутун ўз ифодасини топади. Истиқболи ва истиқлоли порлоқ мамлакатимизнинг эртанги куни - ҳар томонлама камол топган, маънавий дунёси етук ёшларимиз қўлида. Шу боис, таклиф шуки – мактабларимизда, олий ўқув юртларимизда бу тушунчанинг моҳиятини келажак бунёдкорларига чуқурроқ сингдирсак мақсадга мувофиқ бўлур эди. Зотан, келажакнинг пойдевори – бугундан бунёдга келади.

**Ҳидирали ПАНЖИЕВ**

# ТОМДИЛИК ҚАҲРАМОН

***Юртбошимизнинг Фармонига кўра Томди туманидаги "Бирлик" ширкат хўжалигининг бош чўпони Серикбой Сагатовга "Ўзбекистон Қаҳрамони" юксак унвони берилди.***

Неваралари билан телевизор кўриб турган Жанимгул момо сухандоннинг сўзларини тинглаб, қулоқларига ишонмади.

-Вой-буй, менинг Серикимни айтдими-а?! Наҳотки, наҳотки! Ҳой, болагинамей, отангнинг дуосини олган Серикбойимей. Умрингга умр, рисқингга рисқ қўшилгур! Президентимиз боламни "Ўзбекистон Қаҳрамони" бўлди, деди-я.

Саксон беш баҳорни қаршилаган Жанимгул момо овул эшигидан ташқарига чиқаман, деб бошини бехосдан тўсинга уриб олди. Онанинг кўзларида қувонч. Неваралари чуғурлаб момоларининг қўлларини қўйиб юбормас эдилар...

**ЭЙ, УМРИ АЗИЗ**

...Қизилқум! Серикбойнинг бешиги ҳам, овули ҳам шу гўша. Ўсимликлар дунёси минг хил рангда товланиб, чўл шиддатларини чекинтиради. Йилнинг ҳар тўрт фаслида ўтлар олами бир-бирини тўлдириб туради. Улар рангида олам гўзаллиги жилоланади.

-Олтмишинчи йилларнинг ўрталарида отам Сагат чўпонлик таёғини қўлимга топширди, - дейди Серикбой. - Ўшанда у "Болам, таёқни ўп, унда куч-қувват ва сеҳр бор, қўйни ардоқла унда туганмас хазина бор. Бу хазина сени шод, юртни обод айлайди", деган эди.

Ўшанда Серикбой сурув ортидан юрди. Саксовул шохлари унга жилмайиб боққандек туюлди. Узоқдан қўй кўринди. Улар олов янглиғ кўзини сеҳрлади. Шу меҳр ва сеҳр қирқ йилдирки, унинг теграсида айлангани айланган.

Серикбой сулув қиз Парчагулга уйланди. Эр-хотин қўш ҳўкиз, дейдилар. Улар бировдан кам бўлмайин, деб эл-юрт молини қишнинг қаҳрли, ёзнинг оловли кунларида паналарига олиб, кўпайтириб келмоқдалар.

**(Давоми 2-бетда)**

**ҚАДРИЯТ**

# СУТЛИБУЛОҚ ҚИССАСИ

***1964 йил. Исмоил отанинг тиши шундай азоб бердики, тирикчилиги фақат мойли атала бўлиб қолди. Бульдозерига иш кўп, тўхтатиб қўйишнинг сира иложи йўқ.***

Султон Увайс ул-Қароний мақбарасининг қибла тарафидаги ерни суриш зарур. Кун тиккага келган маҳал тишидаги азоб забтига олди. Оғриққа чидай олмади. Ахири бульдозерини тўхтатиб, пастга тушди ва худодан дардига шифо сўрай бошлади.

Шунда мақбара томондан қора эшак минган, сариқ чекма чакмон кийган бир киши кўринди. Соқоли кўксига тушган, сочи ҳам қоп-қора, буғдойранг юзи ниҳоятда фариштали ва нуроний, бошини ўраб олибди. Бу атрофнинг одами эмас, агар шу ерлик бўлганда Исмоил ака танирди. У меҳмон экан, сўрашиб қўяй деб келувчига пешвоз чиқди. Салом-аликдан сўнг нотаниш киши танбеҳ берди:

-Неча кундан бери тишинг оғриб азобдасану, аммо дардингга шифо гиёҳни кўмиб ташлайсан. Шу ўтдан чой қилиб ичгин "ба нияти шифо" деб оғзингни чайқа, тузаласан.

-Қайси ўт? - ҳайратда қолди тракторчи.

-Ана-ана, оппоқ гуллаб турибди-ку.

Нотаниш одам чап ёнида эди. Исмоил ака энгашиб "мана шуми?"- деди ва ўша алафни юлиб, қаддини тиклади. Не кўз билан кўрсинки, яйдоқ далада ўзидан бошқа одам йўқ, ҳатто ҳалиги меҳмон минган эшакнинг изи ҳам кўринмайди.

**(Давоми 4-бетда)**

Сиз «ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ» газетасига 2004 йил учун обуна бўлдингизми?

Газетанинг нашр кўрсаткичи - 144

**БЕШИНЧИ ҚАВАТДА БЕШ ДАҚИҚА СУҲБАТ**

# ПАХТАЗОРНИНГ ОЙДИН ЎЛАНИ

***Зулфия Мўминова юртимизнинг таниқли шоираларидан. Бугунги кунгача шоиранинг ўндан ортиқ шеърий китоблари нашр қилинган.***

"Дўстлик" ордени совриндори. Айни вақтда у Сергели туман ҳокимлигининг матбуот хизматида ишлаяпти. Шунингдек, ўзи яшайдиган "Мустақиллик" маҳалласида хотин-қизлар қўмитаси раисаси ҳамдир. Шоира билан суҳбатимиз ҳам ўз-ўзидан унинг ҳаёти ва фаолияти, аёл муаммолари хусусида кечди.

**-Аввало, Зулфия опа, таҳририятимизга хуш келибсиз. Биринчи ва анъанавий саволимиз: "5" рақамига муносабатингизни билмоқчимиз.**

- Етти рақамига ихлосим баланд бўлса-да, бешни ҳам яхши кўраман. 15 июлда ўзим, 15 январда Санобар қизим, 15 сентябрда эса турмуш ўртоғим туғилганмиз. Мактабда эса нуқул "5" баҳога ўқиганман. Кейинчалик имтиҳонларда ҳам ирим билганимданми, ҳали баҳолар эълон қилинмай туриб, оқ қоғозга "5" рақамини ёзиб ўтирардим ва албатта "5" баҳо олардим.

Уй беришаётганда ҳам шундай бўлган. 33-рақамли уй беришганда, 35-рақамли бўлсин, деб туриб олганман. Беш рақами қатнашгани учун шундай қилганман. Тўққизинчи қаватдан бўлса ҳам майли, деб саркашлик қилганим ҳамон эсимда. Буни халқимиз иримга йўйишади, лекин яна бошқа бир сабаблар ҳам бўлса, эҳтимол...

**- "Излар пахтазорга чорлайди мени..." илк машқларингизда шундай мисра бор. Теримчи бўлганмисиз?**

**(Давоми 4-бетда)**

КЕЛГУСИ СОНДА:

ҒАЛАБА ШОДЛАНТИРИБ, МАҒЛУБИЯТ ЙИҒЛАТСА...

БАҲОСИ ҚИММАТ КОНСПЕКТ

"САЛОМ, МЕН СИЗНИНГ ЭВАРАНГИЗМАН"

(Боши 1-бетда)

Адолат деҳқонга қайишди.

Хуш, фермер хўжалигининг эришган зафари бу ерда ишловчиларни келтирадиган нафи билан қувонтира оладими?

Ҳа, эришилган ютуқ ўзлариники. Фойдаси ҳам, зарари ҳам. Хўжалик аъзолари йил якунида пахтачиликдан 23 миллион 340 минг сўм соф фойда олишади. Агар бунга жорий йилда дон етиштиришдан ҳам олинган 7 миллион сўмлик соф фойдани ҳам қўшсак, фермер хўжалигидаги 105 нафар ишловчининг ҳар бирига даромаддан салмоқли улуш тегади.

# ФЕРМЕР НИЯТИГА ЕТДИ

(Боши 1-бетда)

Пайкал занжирли тракторлар билан 40-45 сантиметр чуқурликда ҳайдалса, қиш бўйи ором олади. Кўкламгача куч тўплайди. Маҳаллий ўғитни эса роса чиритиб соламиз. Ер озуқага тўяди. Сўнг чигит ташланг, ниҳол бақувват бўлиб униб чиқади. Сўнг э-ҳе, бир юмуш иккинчисига уланиб кетади. Аммо тажриба, билимсиз ютуққа эришиб бўлармикин бугун? Асло. Шу боис ҳар бир ишчимга ён дафтар берганман. Улардан бир сўранг, қайси йилда, қандай об-ҳаво бўлдию, қандай ишладик, барини дарров билиб оласиз.

Гурунгга фермернинг ўнг қўли – сувчилар устози Тўрабек Тоғаев қўшилди.

-Хўжалигимизда сувчиларга эътибор бўлакча. Мукофот ҳам, раҳмат ҳам аввало, бизга, - деди у. – Шундай бўлгач, астойдил ишлайсиз-да. Айниқса, тунда. Суғоришнинг энг сифатлиси эса албатта шом тушгач, эрта тонгга қадар давом этади. Бу пайтда экин сувни қониқиб ичади-да.

-Суғориш ҳам санъат, - дея гапни илиб кетади Асадулла ака. – Кўпчилик бу масалага эътибор бермай доғда қолади. Айтайлик, бизнинг чўлда сувни 2-3 кун жўякка оқизиб қўйиш ярамайди. Жўякни калта қилиб, тез-тез суғорилса, ҳам сув тежалади, ҳам харажат камаяди. Қолаверса, бу усулда ернинг намлиги ҳам ортиб кетмайди. Ахир ер ҳам одамнинг ўзига ўхшайдида. Кўпроқ ичиб қўйинг, ҳаловатингиз йўқолади. Ерни тили бўлсаки, айтса, бўлди бас, бошқа сув ичолмайман, ариқни ёп, сув чиқиб кетадиган зовурни тозала деб...

Фермер мелиорация шўрланган ерни даволашдаги асосий восита эканлигини ҳам таъкидлади.

-Хўжалигим ҳудудидан 7,5 километр очиқ зовур, 8 километрдан ортиқ ички ёпиқ зовур бор. Шуни расамади билан йилма-йил тозалаб чиқдик, - дейди фермер. – Бу иш осон эмас. Бир километр зовурни тозалаш учун экскаваторчига 2,5-3 миллион сўм пул тўлаш керак. Айримлар э-ҳе, роса қиммату дейди. Тўғри, арзонмас. Аммо бу харажат икки-уч йилда ҳосилдорликни ошириш туфайли неча юз миллионларни етаклаб келади. Масалан, шу йил ғалладан 55 центнердан, пахтадан 24 центнердан ҳосил кўтардик. Давлатга 600 тонна пахта сотдик. Шартнома ортиғи билан уддаланди. Буларнинг бари мелиорацияга эътибору мироблarга елкадош бўлганимизнинг хосияти-да.

Ер соҳибидан келгуси режаларини сўрадик.

-Президентимизнинг "2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида"ги Фармонини ўқиб жуда қувондик. Бу ҳужжат эртага бизга катта куч, имкониятлар беради. Шу боис ният қилаяпман. Зўр механизаторларим бор. Қурбон Эшонқулов, Абдусамат Қўшаров. Техниканинг пири улар. Шу кишиларга янги тракторлар олиб бермоқчиман. Бир мазза қилиб ҳайдашсин. Сўнг яна 100 гектар ер қўшиб олмоқчиман. Мақсадимиз эл назаридан қолмай ютуқларни янада кўпайтириш.

У бир дақиқа тин олди. Олисларга қараб сўнг қўшиб қўйди:

-Бобом катта бой ўтган, насиб этса, авлодларим кам бўлмайди...

**Абдунаби АЛИҚУЛОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# АДОЛАТ ДЕҲҚОНГА ҚАЙИШДИ

Чўл шароитида ўзининг техника воситаларига эга бўлмаган киши фермер сифатида мустақил иш юритиши қийин. Кўплаб фермерлар ишлаб чиқаришни барбод қилиб, бу ишдан қўл силтаб кетаётганлиги ҳам сир эмас.

-Бизнинг фермер хўжалигимиз тасарруфида 512 гектар ер бор, - деди Норбек. – Лекин мен ҳам хўжалигимизни ташкил этишдан олдин узоқ мушоҳада қилдим. Зарур моддий-техник базага эга бўлмасдан ер олсам, инсон ризқини етиштириб берувчи ернинг умрини беҳуда ўтказиб, уволига қолишим мумкинлигини ўйладим. Қариндош-уруғ билан гапни бир жойга қўйдик. Ишлатилган, яроқсиз турли техника воситаларини сотиб олдик. Ўзим олий маълумотли муҳандисман. Ҳаммасини созлаб, яроқли ҳолатга келтирдик.

Ҳозир фермер хўжалигининг иккита чопиқ, иккита ҳайдов, учта юк машинаси ва бошқа қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган техника воситалари бор. Мавжуд техникалар билан ҳозиргиданда кўпроқ ерларда деҳқончилик қилиш мумкин. Фермернинг муддаоси ҳам айнан шундай экан.

-Мана икки йилдирки, хўжалик юритишнинг пастбаландини ўргандик, тажриба орттирдик, - дейди Н.Ўринов. – Энди хўжалигимизни янада кенгайтириш ниятидамиз. Келгуси йилдан яна уч юз гектар ер қўшиб олиб, чорвачилик йўналишида ҳам фаолият кўрсатмоқчимиз.

-Агар бир йиллик даромадимизни ҳисоблайдиган бўлсак, ойига 100-120 минг сўмдан тушар экан, - дейди фермер хўжалиги ишчиси Гулнора Назарова. – Менинг ўзим пахта теримида терган пахтам учун 230 минг сўм нақд пул олдим.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалик соҳасида ўтказилаётган ислоҳотларда фермерликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилганлиги бежиз эмас экан. Бугун Норбек Ўриновга ўхшаган оёққа туриб олган фермерлар сафи кундан-кунга кенгайиб бораётир. Уларнинг эришаётган ютуқлари эса минглаб кишилар турмуш даражасининг яхшиланишига, иқтисодиётимизнинг юксалишига хизмат қилмоқда.

**Абдураззоқ КАРИМОВ**

# "БАЛИҚЧИ"ДА ЭВРИЛИШ

**ЖАРАЁН**

***Балиқни "луқмаи ҳалол" деб таърифлашади ва кўпчилик уни севиб истеъмол қилади. Таъриф номидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, балиқнинг ўзи ҳам ҳалолликни талаб этади.***

У тоза сув, сифатли озуқа ва сидқидил меҳнат мужассам бўлган жойда кўпаяди. Балиқ маҳсулотларини кўпайтириш тармоқ ходимлари олдида турган муҳим масалалардан биридир.

Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманидаги "Балиқчи" хўжалиги мутахассислари ва барча ходимларининг шижоати худди шу мақсадларни рўёбга чиқаришга йўналтирилган. У республикадаги энг йирик хўжаликлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам унга эътибор қаратилмоқда.

-Бир йил муқаддам хўжаликнинг 500 миллион сўм қарзи бор эди, - дейди унинг раҳбари Бинодир Маҳмудов биз билан суҳбатда. – Аҳволни ўнглаш, ишни йўлга қўйиш, қарзлардан қутилиш чораларини кўрдик. Бунинг учун тегишли жойларга мурожаат қилиб, улардан ёрдам сўрадик. Ҳайриятки, ҳозир анча ўзимизни ўнглаб олдик. Тошкент шаҳар ҳокимлиги 46 фоиз акцияларимизни сотиб олди. 120 миллион пул маблағини қўлга киритиб, зарур техникалар харид қилдик. Бундан ташқари, 100 миллион сўм кредит олишга муваффақ бўлдик. Натижада янги иш ўринлари очиш, хўжаликни оёққа турғазишга имконият туғилди.



Қарздорлик ботқоғига ботган хўжаликнинг кўплаб балиқ ҳавзалари, сув келадиган ариқзовурлари тупроқ босиб, қум тўлиб қолганди. Шошилинч тадбирлар кўрилганлиги туфайли бугун анча оёққа туриб олди.

Агар хўжалик маҳсулотларининг Тошкент бозорларида сотилиши учун махсус расталар, дўконлар ташкил қилинса, мақсадга мувофиқ иш бўларди. Шунда уч ярим гектар ерни ўз ичига олган хўжалик пойтахт аҳолисининг балиққа бўлган эҳтиёжини қондириши мумкин.

Айни пайтда хўжаликда балиқнинг зоғора, оқ дўнгпешона, оқ амур, чипор дўнгпешона каби турлари парваришланади. Жорий йилнинг уч чораги мобайнида 292 миллион сўмлик маҳсулот сотилди. Бу – ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,7 маротаба кўп. 1 ноябрга қадар эса 612 тонна балиқ сотилди. 300 дан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган жамоа келажакда мижозларга балиқ сотишни 870 миллион сўмликка етказиб, 150 миллион сўм соф фойда олишни ният қилмоқда. Шу ўринда бош балиқшунос Йўлдош Алимовнинг сўзларига қулоқ тутайлик.

-Бизнинг балиқлар у қадар қиммат эмас, истеъмолбоп. Тозалаб музлатилган, яримтайёр маҳсулотни сотувга чиқараяпмиз. Бу айниқса, уй бекалари учун қулай. Кўп меҳнат, вақт талаб қилмайди. Ярим соат совуқ сувга солиб қўйсангиз кифоя. Шу кунларда бундай балиқларимизга талаб катта. Аҳолига 118 тонна – 106 миллион сўмлик ана шундай маҳсулотлар сотдик. Агар ишимиз янада ривожланса, балиқларни экспортга чиқарса ҳам бўлади.



Иш унумдорлигини таъминлашда Баҳодир Хўжамқулов, Эргаш Улуғхўжаев, Шуҳрат Мўминов, Баҳодир Ёдгаров, Собир Жабборов, Юрий Бабшонов каби ишчи-хизматчиларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Хўжалик жамоасининг келгуси ишларига муваффақиятлар тилаймиз.

**Ҳанифа ШАМШИЕВА**

х х х

Н. АЛМУРОДОВ олган суратлар.

## «ДАВИНКОМ» ДАВЛАТ ИНВЕСТИЦИЯ ФИРМАСИ ТОМОНИДАН ДАВЛАТ УЛУШИ ВА ДАВЛАТ АКТИВЛАРИ ЭРКИН МУОМАЛАДАГИ ВАЛЮТАГА БИРЖА СОВДАСИГА ЧИҚАРИЛАЁТГАН АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ.

| № | Ҳудуд | Тармоқ ва акциядорлик жамияти номи | Низом жамғармаси (сўм) | Номинал (сўм) | Савдога қўйилаётган акциялар сони (дона) | Низом жамғармасидаги ҳиссаси (%) | 1 дона акция баҳоси АҚШ долл. | Бошланғич таклиф баҳоси, АҚШ долларида |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Ўзозиқовқатсаноат | | | | | | |
| 1 | Хоразм вилояти | <Хоразм шакар> | 14 200 000 000 | 10 000 | 1 042 737 | 73,43 | 15,56 | 16224987,72 |

"Давинком" Давлат инвестиция фирмаси томонидан давлат улуши ва давлат активлари эркин биржа савдосига чиқарилаётган акциядорлик жамиятларининг рўйхати.

| № | Ҳудуд | Тармоқ ва акциядорлик жамияти номи | Низом жамғармаси (сўм) | Номинал (сўм) | Савдога қўйилаётган акциялар сони (дона) | Низом жамғармасидаги ҳиссаси (%) | Бир дона акция баҳоси, (сўм) | Бошланғич таклиф баҳоси, минг сўмда |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Уз.автомобиль ва сув транспорти агентлиги | | | | | | |
| 1 | Сурхондарё вилояти | <Чағониён> | 29 023 000 | 1 000 | 7 256 | 25,00 | 2 335,21 | 16944.28 |
| 2 | Сурхондарё вилояти | <Сурхандарьинское ТЭП> | 1 702 000 | 1 000 | 426 | 25,03 | 7 015,50 | 2988.60 |
| | | Ўзёғмойтамакисаноат | | | | | | |
| 3 | Бухоро вилояти | <Когон ёғ-экстракция заводи> | 72 161 000 | 100 | 69 216 | 9,59 | - | 203814,20 АҚШ долл.* |
| | | | 72 161 000 | 100 | 252 683 | 35,02 | 2 044,93 | 516719.05 |

*Эслатма:*

* -Ушбу акциялар савдога чиқариш кунига Марказий банк расмий курси бўйича сўмда савдога чиқарилади.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 133-38-69, 136-11-65, 132-07-32

ТЕРМИЗ ШАҲРИДАГИ "АВТОТЕХХИЗМАТ"

ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ЭМИССИЯ ПРОСПЕКТИ

1.1 Эмитент ҳақида маълумот.

Тармоқ: "Автотеххизмат" ҳ/ж

1.2 Манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, М.Қаҳҳор кўчаси, 25-уй.

Ҳисоб-китоб рақами: 20210000200225905001 МФО: 00358 "Асака" банк

1.3 Давлат рўйхатидан ўтган вақти ва рақами: "4" ноябр 2003 йил №049 Термиз шаҳри.

2.1 Низом жамғармасининг қўшимча чиқарилган акциялар билан қайта тақсимланиши.

ЖАМИ:

а) сўм – 50182,3
б) дона – 100364
в) фоиз – 100%

"ЎзДЭУавто" улуши
а) сўм – 25593,0
б) дона – 51186
в) фоиз – 51%

Эркин савдо улуши
а) сўм – 22543,5
б) дона – 45087
в) фоиз – 44,9%

Меҳнат жамоаси улуши
а) сўм – 2045,5
б) дона – 4091
в) фоиз – 4,1%

МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЙИРИК ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН

ХАЛҚ БАНКИ

яқинлашиб келаётган Янги – 2004 йил арафасида омонатчиларга янги

"Байрам туҳфаси" –

қисқа муддатли, ютуқли омонат турини

ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Омонатга пул маблағлари 100 кун муддатга, камида 5000 сўм миқдорида

Халқ банкининг барча муассасаларида қабул қилинади.

Сиз, омонатингизга ҳисобланган юқори фоизли даромадларни олиш билан бир қаторда 1 000 000 сўмлик ютуқ соврindори бўлиш имкониятига эгасиз.

ХАЛҚ БАНКИ –
АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИНИНГ САҚЛАНИШИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН ЯГОНА БАНКДИР!

Мурожаат учун телефонлар: 173-69-15; 173-69-16 (ички 126, 111, 109)

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## ПУЛЕМЁТДАН ОТИЛАДИ

***Маҳаллий банкларнинг бирида босқинчилик қилгани учун Таиланд суди уч нафар россиялик фуқаро устидан ҳукм чиқарди.***




НТВ телекомпаниясининг хабар қилишича, 32 ёшли Ренат Кудоёров полиция ходимини ўлдиргани учун олий жазога, Фелекс Черемних умрбод, Марат Минликеев эса 37 йиллик қамоқ жазоларига ҳукм қилинган. Таиланд қамоқхоналари шароитида 10 йил ўтириш олий жазо билан деярли тенгдир. Жиноятчиларнинг тўрттинчиси ҳануз қидирувда. Бу шоввозлар Паттайе деб номланган сайёҳлик шаҳарчасидаги кичик бир банкка бостириб кириб, бор-йўғи 50 минг АҚШ долларини қўлга киритишган эди. Полиция ходимлари билан отишма чоғида уларнинг бири оёғидан яраланди. Худди жангари фильмларидагидек, жиноятчилар денгиз орқали қочмоқчи бўлишади, аммо қирғоқ қоровуллари томонидан саноқли дақиқалардаёқ ҳибсга олинади. Банкни ўмариш ва полиция ходимини ўлдириш Таиландда ўта оғир жиноят ҳисобланади. Шунинг учун агар мамлакат қироли ҳукмни ўзгартирмаса, Кудоёров Таиланд қоидаларига биноан пулемёт орқали отиб ташланиши мумкин. Умуман, жиноятчиларни бир-бирига бериш тўғрисида эса шу пайтгача Россия ва Таиланд ўртасида битим имзоланмаган.

## ТЕРРОРГА ТЎСИҚ

***Афғонистон ҳудудида турли тинчликпарвар кучларнинг Қирғизистондаги авиабазасида теракт уюштирмоқчи бўлган уч жангари қўлга олинган.***



Қирғизистон махсус хизмат вакилларининг таъкидлашларича, экстремистлар "Ҳизбут-таҳрир" ташкилотининг аъзолари ҳисобланиб, Афғонистон ва Покистондаги террористик марказларда таҳсил олишган. Улар олти мамлакат, асосан америкалик ҳарбийлар жойлашган "Манас" халқаро аэропортида портлашлар уюштириб, Америкага қарши уруш очиш топшириғи билан бу ерга келишган, дея хабар беради РИА "Новости" агентлиги.

## БЕРМУДНИНГ СИРИ

***Австралиянинг Монаш университети олимлари шу пайтгача номаълум сабаблар билан кема ва самолётларни ҳалокатга учратаётган Бермуд учбурчагининг сирини ниҳоят топишди, деб хабар беради Россиянинг НТВ телеканали.***




Ҳамма гап океан тубида йиғилган метан газида экан. Ташқаридаги овоз ва бирор ҳаракат таъсирига қараб, метан гази юқорига сизиб чиқади. Метан пуфакчалар ҳосил қилиб, сув юзасини қоплаб олади. Айтайлик, пуфаклар диаметри кеманинг ҳажмига нисбатан катта бўлса, бу кема чўкиб кетади. Метан гази чиққан пайтда ҳавода кислород етишмаслиги натижасида учиб ўтаётган самолётларнинг двигателлари ишдан чиқаркан.

## ПУТИН ИТАЛИЯДА

***Россия президенти давлат ташрифи билан Италияга келди.***



Уч кун давомида унинг Италия бош вазири Сильвио Берлускони ва ҳукуматнинг бошқа вакиллари ҳамда Рим папаси билан учрашуви, шунингдек, Россия – Европа Иттифоқи кичик саммити доирасида ЕИ комиссияси раиси Романо Проди билан Россия ва Европа Иттифоқи муносабатларини муҳокама қилиши мўлжалланган.

## САДДАМ БАҒДОДДАМИ?

***Саудиянинг "Ар-Риёд" газетасининг ишончли манбаларга таяниб ёзишича, Бағдоднинг Ад-Дора районида Саддам Ҳусайнни кўришган.***



Хабар қилинишича, собиқ диктатор атрофдаги уйларнинг бирига бир неча соат ухлаб олиш учун кирган. Маълум вақтдан сўнг хонадон соҳибининг ўғиллари кўчага чиқиб кетишган. Бундан шубҳаланган соқчилар дарҳол Саддамни уйғотиб, зудлик билан уни бу ердан олиб чиқиб кетишган. Тахминан Ҳусайн яшаяпти, деб гумон қилинган жойга ракета зарбалари берилгач, собиқ диктатор ярим йилдан буён йўқолиб қолган эди, дея хабар беради ИТАР-ТАСС агентлиги.

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.**

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 41-ўрта мактаб томонидан 1997 йили Немцова Белла номига берилган 9-синфни тугатганлик тўғрисидаги O'R-E 033817 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Канадское иностранное предприятие (KANADA XORIJIY KORXONASI) "TOSHMEBEL" сообщает, что Уставной фонд уменшается с 301186 (триста одна тысяча сто восемьдесят шесть) долларов США до 155000 (сто пятьдесят пять тысяч) долларов США.

Контактный телефон: 173-18-33, 77-34-26. Адрес: ул. Чоштепинская, 276а.

Утерянный гос.ордер № 11-02/2044 от 14.02.93 г. права собственности Мирсаматовой Рано Ахмедовны на квартиру, считать недействительным.

